

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.02/30.12.2019.B.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛДАРБЕКОВА ГУЛЖАХОН ЗАФАР ҚИЗИ**

**НОРМА ВА ДИСБИОЗ ХОЛАТЛАРИДА ОДАМ ТАНАСИ**  
**БИОТОПЛАРИ ЛАКТОБАКТЕРИЯЛАРИНИНГ БИОЛОГИК**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Халдарбекова Гулжахон Зафар кизи</b> Норма ва дисбиоз ҳолатларида одам танаси биотоплари лактобактерияларининг биологик хусусиятлари.....	3
<b>Халдарбекова Гулжахон Зафар кизи</b> Биологические свойства лактобактерий биотопов тела человека в норме и при дисбиозах .....	23
<b>Khaldarbekova Gulzhakhon Zafar kizi</b> Biological properties of lactobacilli of biotopes of the human body in normal and with dysbiosis.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	46

**ХАЛДАРБЕКОВА ГУЛЖАХОН ЗАФАР ҚИЗИ**

**НОРМА ВА ДИСБИОЗ ХОЛАТЛАРИДА ОДАМ ТАНАСИ**  
**БИОТОПЛАРИ ЛАКТОБАКТЕРИЯЛАРИНИНГ БИОЛОГИК**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2019.1.PhD/B267 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([info-microbio@academy.uz](mailto:info-microbio@academy.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухамедов Иламан Мухамедович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматқулов Иброхим Хамидович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нурузова Зухра Абдукадировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти DSc.02/30.12.2019.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «5» июль соат 10:00даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7Б уй, Микробиология институти конференция залида). Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail:[info-microbio@academy.uz](mailto:info-microbio@academy.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( ) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7Б уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона). Тел.: (+99871)241-92-28.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» июнда тарқатилди.

(2022 йил «21» июнь №5 рақамли реестр баённомаси)



**Арипов Тахир Фатихович**  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси  
б.ф.д., профессор, академик

**Жураева Роҳила Назаровна**  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, катта илмий ходим, б.ф.н.

**Ахмедова Захро Раҳматовна**  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раис ўринбосари, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда инсонлар танасидаги биотопларининг микрофлораси, уларнинг миқдори ва сифат кўрсаткичларини ҳамда организмнинг турли ҳолатларини белгиловчи дисбиотик жараёнларни юзага келишидаги ролини аниқлаш тиббиётда устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятида фертил ёшдаги аёлларга катта эътибор қаратмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир миллатнинг келажагини аёллар таъминлашини инобатга олган ҳолда аёллар саломатлигини сақлашда жинсий йўллар ва оғиз бўшлиғи микрофлорасини ўрганиш муҳим ҳисобланади, чунки, янги туғилган чақалоқнинг илк кунлариданоқ бирламчи микрофлораси туғруқ йўлларида ўтаётган даврда таъминланади. Олимларнинг келтирган маълумотлари кўра, “..... бугунги кунда кариес оғиз бўшлиғи дисбиотик жараёнининг натижаси ҳисобланади”<sup>1</sup>. Шу сабабли, одам танаси биотопларида содир бўлаётган дисбиотик жараёнларини диагностикасидаги эришилган ютуқларга қарамасдан, резидент микрофлоранинг вакили сифатида лактобактерияларнинг миқдор ва сифат бўйича ўзгаришларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг турли тиббиёт илмий марказларида одам танасидаги асосий биотопларининг микроб пейзажини аниқлаш, лактобактерияларнинг миқдорий ва сифат мезонларини таҳлил қилиш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, оғиз бўшлиғи ва жинсий йўл лактофлорасининг тур таркиби аниқлаш, уларнинг морфологик, физиологик-биокимёвий хусусиятларини тавсифлаш, генетик маълумотларини узатишнинг нозик молекуляр механизмларини, биотехнологик мақсадларда қўллаш, уларнинг одам организмида юзага келувчи патологик ҳолатлардаги иштироки, патогенлик ва пробиотиклик хусусияти ҳамда тиббий профилактика воситалари сифатида қўллаш ва ҳ.к. Шунга кўра, фертил ёшдаги аёлларда норма ва дисбиёзда ҳолатларида маҳаллий лактобактерия штаммларини ажратиш ва биологик фаоллигини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, фертил ёшдаги аёлларга тиббий ёрдам бериш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек касалликларнинг олдини олиш ва ташхислаш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> “...беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом

<sup>1</sup> Caufield P.W., Schon C.N., Saraithong P., Li Y., Argimon S. Oral lactobacilli and dental caries: A model for niche adaptation in humans. JDR Clinical Research Supplement.-2015.-P.110-118.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш” вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Тошкент шаҳри аёллари мисолида лактобактерияларнинг асосий турларини таснифлаш, шунингдек, уларнинг ушбу биотопларда юзага келадиган патологик жараёнларда иштирок этишини аниқлаш, хавфли омилларни эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олишда замонавий юқори технологик усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, аниқланган маҳаллий турларни асослаш замонавий талабларга жавоб берадиган маҳаллий пробиотикларни ишлаб чиқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғриси»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда одам танаси биотопларининг микрофлораси, оғиз бўшлиғи ва генитал трактни ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Жумладан, оғиз бўшлиғининг бактериал жамоаларининг биоценотик муносабатларининг хусусиятлари аниқланган, биокоррекция тамойилларининг микроэкологик асослари таклиф қилинган (Добренёв Д.С., 2014). Илмий адабиётларда лактобактерияларни тавсифлаш ва аниқлаш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ҳамда турли хилдаги пробиотик дорилар ҳақида маълумотлар келтирилган (Ботина С.Г., 2010; Будилова О.В., 2017; Головач Т.Н., 2004; Демкин В.В., 2013; Ершова И.Б., 2007; Исаева А.С., 2012; Мелкумян А.Р., 2013; Новик Г.И., 2007; Рахматуллаева М.М., 2019; Степанов К.М., 2009; Badet С., 2008; Bull M., 2013; Felis G., 2007; Ljungh A., 2009; Pascual L.M., 2006; Pendharkar S., 2013; Williams N.T., 2010 ва х.к.). Ҳозирги босқичда олимлар биотехнологик жиҳатдан янги бактериал хужайраларни яратдилар, уларнинг фойдали хусусиятлари бактериялар геномини ўрганиш орқали сезиларли даражада яхшиланади.

Лактобактериялар биринчи марта 1892-йилда немис гинекологичи А.Додерлейн томонидан тарифланган Кейинчалик, 1991-йилда Орла-Йенсен лактобактерияларни асосий фенотипик белгилари бўйича классификацияди, 1989-йилда биокимёвий хусусиятларини аниқлаш натижасида лактобактериялар 3 та гуруҳга ажратилган, шунингдек, сўнгги йилларда уларнинг генетик тахлилини аниқлаш натижасида лактобактериялар турининг 8 та филогенетик гуруҳига мансуб бўлган 150 тури таснифланган (Claesson M.J., 2007; Holzapfel W.H., 2001; Kageyama A., ва х.к.).

Ҳозирги вақтда одам организмининг биотопларида кечадиган патологик жараёнлар этиологиясини ўрганишда микрофлоранинг турлари хусусан, лактофлора вакиллариининг роли, таркиби, хусусиятлари катта аҳамиятга эга (Брилис В.И., 1983; Блинкова Л.П., 2003; Бухарин О.В., 1990; Глушанова Н.А., 2003; Желябовская Д.А., 2017; Забирова Т.М., 2001; Миралимова Ш.М., 2016; Пашаян М.М., 2011; Соловьева И.В., 2014; Червинец Ю.В., 2012; Claesson M.J., 2007; Koll-Klais P., 2005; Strahinic I., 2007; Van Tassell 2011 ва х.к.). Бундан ташқари, оғиз бўшлиғининг кариоз касаллигининг пайдо бўлиши ва ривожланишида лактобактерияларнинг роли, шунингдек, аёллар ҳаётининг турли даврларида генитал трактнинг лактобактериялари ҳолати тўғрисида маълумотлар тўпланмоқда (Гузева Н.А., 2017; Гулямов С.С., 2010; Зайцев А.В., 2008; Каримова Д.Ф., 2012; Корчагина В.В., 2017; Мирсалихова Ф.Л., 2018; Назирова М.Б., 2012; Рединова Т.Л., 2009; Сабирзянова Л.Г., 2001; Сафаров М.Т., 2007; Ташханова Д.Я., 2016; Caufield P.W., 2015; Graf E., 1980; MacIntyre D.A., 2015; Sung H.I., 2014; Lepargneur J.P., 2002 ва х.к.).

Илмий, тиббий ва патент ҳужжатларининг тахлили шуни кўрсатадики, ушбу масалага бағишланган илмий ишларнинг сони кўп бўлишига қарамай, мамлакатимизда одам танаси биотоплари микрофлорасининг миқдорий ва сифат таркибини аниқлаш бўйича илмий ишлар жуда кам. Инсон танасининг асосий биотопларининг микроб пейзажини тахлил қилиш бўйича тўлиқ маълумотлар деярли йўқ, лактобактерияларнинг миқдорий ва сифат мезонлари ҳолатига етарлича эътибор берилмаган, норма ва дисбиоз ҳолатларда инсон танаси биотоплари лактобактерияларининг асосий биологик хусусиятлари ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №7200 “Одам танасининг турли хил биотоплари клиник микробиологиясининг норма ва патологиядаги хусусиятлари” (2016-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** одам танаси асосий биотопларининг микроб пейзажини тахлил қилиш, лактобактерияларнинг миқдорий ва сифат мезонларини баҳолаш, шунингдек норма ва дисбиёзда ҳолатларида лактобактерияларнинг асосий биологик хусусиятларининг ролини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

одам организмнинг асосий биотоплари: оғиз бўшлиғи ва жинсий йўлларидаги микроб пейзажини хромоген мухитлари ёрдамида таҳлил қилиш;

одам танасининг турли биотопларидан ажратилган лактобактерия культураларининг норма ва патологик ҳолатларда тур таркибини аниқлаш;

одам танасининг турли биотопларидан ажратиб олинган лактобактерияларнинг биологик хусусиятларини (адгезивлик, лизозим ҳосил қилиши, водород пероксид ажратиш қобилияти ва бошқ.) аниқлаш;

оғиз бўшлиғи ва жинсий йўлларида лактобактерияларнинг асосий турларини антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида фертил ёшдаги аёлларнинг оғиз бўшлиғи ва жинсий йўллар физиологик ҳолатида ажратилган лактобактериялар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни оғиз бўшлиғи ва генитал трактнинг 3 нуқтаси (қин, сийдик йўли, бачадон бўйни канали) дан намуналар, ажратиб олинган лактобактерия турлари ва уларнинг биологик, бактериологик, микроскопик ва биокимёвий хусусиятларини аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда бактериологик, микроскопик, иммунологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикасида фертил ёшдаги соғлом ва кариес аниқланган аёллар оғиз бўшлиғида лактобактерияларнинг асосий турлари аниқланган;

фертил ёшдаги ҳомиладор ва абортдан сўнг аёлларда генитал тракт лактобактерияларнинг асосий турлари асосланган;

илк бор фертил ёшдаги аёлларнинг оғиз бўшлиғи ва жинсий йўллар физиологик ҳолатининг, ажратилган асосий тур лактобактерияларининг биологик хусусиятлари кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

фертил ёшдаги аёлларнинг оғиз бўшлиғи ва жинсий йўлларидаги ҳолатидан келиб чиқиб, ажратилган лактобактериялар асосий турларининг антибактериал препаратларга сезгирлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар микроэкология соҳасидаги билимларни кенгайтиради ва инсон танасининг лактофлорасини шакллантиришни тушунишга ёрдам бериши асосланган;

инсон танасининг турли ҳолатларида оғиз бўшлиғи ва жинсий йўллар аутофлорасининг турлари ва биокимёвий хилма-хиллиги исботланган;

микробиологик тадқиқотлар асосида дисбиёзни даволаш ва олдини олиш учун ажратиб олинган лактобактерияларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эубиотиклар ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар бир тадқиқот тажрибаси камида 3 маротабадан ўтказилгани ва бу ишончли ва барқарор натижаларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш имконини бергани билан асосланган ҳамда тажриба маълумотларини

статистик ҳисоблаш Стьюдент критерийси ва STATISTICA 6.0 компьютер дастури ёрдамида аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти норма ва кариес ривожланган ҳолатларда оғиз бўшлиғида турли хил лактобактерияларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг биологик ишлаб чиқариш тармоқларига кариес билан оғриган беморларга ёрдам беришда кўшимча даволаш сифатида лактобактерияларни ўз ичига олган махсус пробиотиклар ишлаб чиқаришни тавсия этишилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лактобактерияларнинг антибактериал дориларга сезгирлиги бўйича таҳлил натижалари шифокорларга оғиз бўшлиғи ва жинсий йўл касалликларини ушбу биотопларнинг доимий лактофлорасига таъсир қилмаган ҳолатда даволашга ҳамда кариес билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғи микрофлорасини таҳлил қилишда махсус хромоген муҳитлардан фойдаланиш, дастлабки экиш пайтида дисбиёз ташхисини тез аниқлаш имкон бериши (24 соат ичида), шунингдек, микробиологлар ва клиник шифокорларга даволанишни эртароқ бошлаш ва қулайлик яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оғиз бўшлиғи ва генитал тракт микрофлорасини баҳолаш, организмнинг норма ва дисбиоз ҳолатларида лактобактериялар асосий турларининг биологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нормал ва патологик шароитларда оғиз бўшлиғи ва жинсий йўллариининг дисбиозини аниқлашда лаборатория диагностика усуллариини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Хромоген озуқа муҳитлари ёрдамида оғиз дисбиозининг экспресс диагностикаси - ХайХром» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н-р/274-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Хромоген озуқа муҳитларидан оғиз бўшлиғи микроорганизмларини ажратиш ва уларнинг миқдорини, дисбиозни аниқлашда микробиологик тадқиқотлар муддатини қисқартириш имконини берган;

микробиологик тадқиқотлар асосида дисбиёзни даволаш ва олдини олиш бўйича илмий асосланган ёндашувлар асосида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасининг “Бактериологик лаборатория”си, ҳамда “Гинекология” бўлимининг фундаметал тадқиқотларни амалга ошириш амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н-р/274-сон маълумотномаси). Натижада, оғиз бўшлиғи ва жинсий йўллариининг дисбиозини ташхислаш самарадорлигини оширишда, шунингдек, лактобактерияларнинг асосий турларини аниқлашга ва уларни Экоантибиотиклар таркибига қўшишни таклиф этиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 5 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 4 таси республика нашрларида, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган, объекти ва усуллари тавсифланган, илмий янгилиги белгилаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниш ҳолати, нашр қилинган мақолалар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оғиз бўшлиғи ва генитал тракт лактобактериялари ҳамда уларнинг биологик хусусиятларининг илмий тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида оғиз бўшлиғи ва генитал трактнинг таркибий ҳамда функционал хусусиятлари, инсон танасининг ўрганилган биотопларининг норма ва дисбиотик ҳолатларида, микрофлора ҳамда лактофлоранинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг кўплаб тадқиқотлари кўриб чиқилган. Шунингдек, мамлакатимизда бу муаммога кам эътибор берилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган ҳамда лактобактерияларни қўллаш истиқболлари тўғрисида баён этилган.

Диссертациянинг **“Лактобактериялар ва уларнинг биологик хусусиятларини аниқлаш тадқиқот усуллари ва материаллари”** деб номланган иккинчи бобида экспериментнинг характери, тадқиқот усуллари (бактериологик экиш, микроскопия, биокимёвий) тавсифи келтирилган. Тадқиқот ТДСИ Микробиология ва фармакология кафедраси ҳамда ТДСИ юз-жағ жарроҳлиги марказининг “Микробиология” ўқув-илмий лабораториясида олиб борилган. Барча текширилган фертил ёшдаги аёлларда оғиз бўшлиғи ва микрофлорасини ўрганиш мақсадида 4,5 мл стерил физиологик эритма билан синов найчалари тайёрланди. Бу усул билан олинган материал биринчи суьолтириш ( $10^1$ ) ҳисобланиб, 2 соат ичида лабораторияга етказилди.

Оғиз бўшлиғидан умумий ҳисобда 207 та лактобактерия изолятлари улардан 93 таси 53 нафар соғлом ва 114 таси 62 нафар кариес билан касал аёллардан ажратиб олинди. Аёлларнинг жинсий йўлларида 203 та изолят, улардан 117 таси аборт жараёнидан олдин текширилган 48 нафар аёлдан, 86


таси 42 нафар аёлдан абортдан 5 кун ўтгач ажратиб олинди. Лактобактерияларнинг биологик хусусиятларини аниқлашда А.А.Ленцнер, О.В.Бухарин, В.И.Брилис,  $H_2O_2$  синтези – Graf, антагонизм – перпендикуляр штрихлар, антибиотикларга сезгирлик – диффузия усули; иммунологик тадқиқотлар О.Mancini; А.В.Антонов; Ш.Р.Алиев усуллари билан олиб борилди.

Статистик қайта ишлаш Excel-2012 дастури бўйича амалга оширилди.

Диссертациянинг “**Норма ва кариесда фертил ёшдаги аёлларнинг оғиз бўшлиғидан ажратиб олинган лактобактерияларнинг биологик тавсифи**”, “**Оғиз бўшлиғи флорасини идентификациялаш мақсадида “Хайхром” озукавий муҳитларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш**” деб номланган учинчи бобида олинган натижаларига кўра, нормал микрофлорага эга бўлган шахсларда стрептококклар, вейлонелла ва дифтероидлар доминант бўлиб қолиши аниқланди. Стафилококк, Лактобактерия, фузобактерия, замбуруғ, нейссерия, бактероид ва шу каби оғиз бўшлиғи индиген микрофлорасининг қолган вакиллари жуда кам миқдорда учради. Шундай қилиб, анаэроб пептострептококклар ва лактобактерияларнинг миқдори  $1g 4,30 \pm 0,2$  КОЕ/мл ни ташкил қилди.

Кариес билан касалланган беморларда деярли барча ҳолатларда *Staph. aureus* ва ичак таёқчаси аниқланди, шунингдек, *Pseudomonas aurogenosa* бактериясининг частотаси ошди. Пептострептококклар ва лактобактерияларнинг миқдори  $10^8$  КОЕ/мл ни ташкил этди.

Хромоген муҳитлардан қўллаш билан биз ўрганилаётган гуруҳларда шартли патоген ва патоген микрофлора вакиллари учраши аниқланди (1-расм).



**Расм.1. Соғлом ва кариес билан касалланган аёлларнинг оғиз бўшлиғининг патоген ва шартли-патоген микрофлора вакиллари ҳолати**

Оғиз бўшлиғининг маҳаллий иммунитет кўрсаткичларини аниқлаш натижалари шуни кўрсатадики, кариес билан касалланган аёлларда сўлакнинг лизоцим фаоллиги титри, секретор иммуноглобулин А (sIgA) даражаси ва нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги фертил ёшдаги соғлом аёлларга нисбатан 1,3 - 2 баравар камаяди (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Соғлом ва кариес билан касал аёлларнинг оғиз бўшлиғи иммун омилларининг ҳолати

Текширилганлар гуруҳи	Сўлакнинг лизоцим фаоллиги титри, (МГ/МЛ)	Нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги, %	Секретор иммуноглобулин А (sIgA), Г/Л
Соғлом гуруҳ	17,4±0,24	48,6±0,34	1,8±0,15
Кариес билан касаллар	9,3±0,13	23,1±0,07	1,0±0,2

Фертил ёшдаги аёлларнинг оғиз бўшлиғи лактофлораси таркибида 5 тур *L.acidophilus*; *L.casei*; *L.salivarius*; *L.fermentum*; *L.rhamnosus* доминантлик қилиши аниқланди. Текширилаётган гуруҳларда лактобактерияларнинг учраши яъни тур таркиби жуда кенг фарқ қилади. Шунга асосланиб, уларнинг фоизлар нисбати ҳам фарқланди (2-жадвал).


Фертил ёшдаги соғлом аёлларнинг оғиз бўшлиғи лактофлорасининг тур таркибида *L.acidophilus*, *L.casei* ва *L.rhamnosus* лар тенг нисбатда кариес билан касалларда эса *L.salivarius* ва *L.casei* устунлик қилиши аниқланди. Ажратиб олинган турларнинг лизоцим фаоллиги, антилизозим фаоллиги, адгезивлик хусусияти, Н<sub>2</sub>О<sub>2</sub> ишлаб чиқариш, антагонистик хусусияти ва антибиотикка сезгирлик каби биологик хусусиятлари аниқланди.

## 2-жадвал

### Соғлом ва кариес билан касал фертил ёшдаги аёлларда оғиз бўшлиғи лактобактерияларининг тур таркиби


Лактобактерия турлари	Ушбу тур аниқланган текширилувчилар сони		Уларнинг фоиз нисбати	
	Соғломлар n=53	Кариес билан касаллар n=62	Соғломлар	Кариес билан касаллар
<i>L.acidophilus</i>	29 (54,7%)	22 (35,5%)	31,2%	19,3%
<i>L.casei</i>	20 (37,7%)	31 (50%)	21,5%	27,2%
<i>L.rhamnosus</i>	15 (28,3%)	22 (35,5%)	16,1%	19,3%
<i>L.fermentum</i>	12 (22,6%)	9 (14,5%)	12,9%	7,9%
<i>L.salivarius</i>	17 (32,0%)	30 (48,4%)	18,3%	26,3%
Жами изолятлар:	93	114		

Н<sub>2</sub>О<sub>2</sub> ишлаб чиқариш тадқиқотлари натижаларига кўра, соғлом аёлларнинг оғиз бўшлиғидан ажратиб олинган лактобактерияларнинг 91% ва кариес билан касал аёллардан ажратиб олинганларнинг 71% ушбу хусусиятга эгаллиги аниқланди. Шу билан бирга, икки гуруҳдаги ҳар бир турнинг кўрсаткичлари унчалик фарқ қилмади ва соғлом гуруҳда 3,53± 0,03 ммол/л дан 1,6±0,04 ммол/лгача, кариесга чалинган беморларда 3,47±0,05 ммол/л дан 1,91±0,04 ммол/л гача бўлди (2-расм, 3-жадвал).




**2-расм. Лактобактерияларнинг водород пероксида ишлаб чиқариш хусусияти (ммоль/л)**

Лактобактерияларнинг лизоцим фаоллигида соғлом гуруҳдан ажратилган изолятларнинг 94% ва кариес билан касалланган беморлардан ажратиб олинган 63% изолятлари лизоцим сифат фермент ишлаб чиқариш хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. Соғлом гуруҳда *L.acidophilus* ва кариес билан касалланганларда эса *L.salivarius* юқори фаолликга эга эканлиги кузатилди. Бунда, норма ва кариес ҳолатларида лактобактерияларнинг лизоцим сифат фермент ишлаб чиқаришининг ўртача кўрсаткичи мос равишда  $7,2 \pm 0,25$  ва  $5,06 \pm 0,25$  мм ни ташкил этди (3-расм., 3-жадвал).




**3-расм. Лактобактерияларнинг лизоцим фаоллиги (мм)**

Оғиз бўшлиғи лактофлораси вакиллариининг антилизозим фаоллигини (АЛФ) ўрганиш мобайнида соғлом аёллардан ажратиб олинган лактобактерияларнинг 98% ва кариес билан касалланган беморлардан ажратилган изолятларнинг 80% да қайд этилди. Шу билан бирга, соғлом аёллардан ажратиб олинган культураларнинг АЛФ кўрсаткичи, касалларникига қараганда анча юқори бўлди ва мос равишда  $7,54 \pm 0,33$  мкг/мл ва  $4,47 \pm 0,18$  мкг/мл ни ташкил этди (4-расм., 3-жадвал).



**4-расм. Лактобактерияларнинг антилизоцим фаоллиги (АЛФ),(мкг/мл)**

Адгезивлик қобилятини ўрганиш натижалари, ажратиб олинган барча лактобактерия изолятлари ушбу хусусиятга эга эканлигини намоён этди. Соғлом оғиз бўшлиғига эга бўлган аёлларда юқори адгезивлик хусусиятига *L.acidophilus*  $4,32 \pm 0,16$  бакт/эр. эга бўлди. *L.casei* соғлом гуруҳда паст кўрсаткичга эга бўлишига қарамасдан, кариес билан касалланганларда у юқори адгезивликни намоён қилди (5-расм., 3-жадвал).



**5-расм. Лактобактерияларнинг адгезив фаоллиги (бакт/эр)**

**Изоҳ:** Бактерия МАИ (микроорганизмларнинг адгезия индекси) -1,75 да ноадгезив; 1,76-2,5 да пастадгезив; 2,51-4,0 да ўртача адгезив; 4,0 дан юқори бўлса юқори адгезив ҳисобланади.

Кейинги тадқиқотларимизда, ажратиб олинган лактобактерия изолятларини патоген ва шартли патоген бактерияларга *Escherichia coli*,

*Staphylococcus aureus*, *Staphylococcus haemolyticus*, *Candida albicans* нисбатан антоганистик фаоллиги аниқланди. Олинган натижаларга кўра, кариес билан оғриган беморларда лактобактерияларнинг юқорида кўриб чиқилган биологик хусусиятларини пасайиши уларнинг ушбу фаоллигини намоён бўлишида рол ўйнаган, яъни улар соғлом гуруҳдаги кўрсаткичларга нисбатан паст бўлган. Шунга қарамай, соғлом гуруҳда кучли антагонист *L.casei* барча ўрганилаётган вакилларга нисбатан 100% антагонизмни, *L.salivarius* эса фақатгина *S.haemolyticus* га нисбатан намоён қилган ҳолда кучсиз антагонистик кўрсаткичларга эга бўлди (3-жадвал).

Лактобактерияларнинг турли гуруҳдаги антибактериал препаратларга сезгирлигини аниқлашда барча изолятлар оғиз бўшлиғи ҳолати ва уларнинг биологик хусусиятларининг пасайишидан қатъий назар, Сиспрес-500, Офлоксацин, Авифлокс, Номицин, Занофлокс-03, Леворекс-500, ципрофлоксацин каби фторхинолон синфига мансуб антибиотикларга юқори сезувчанлик намоён қилди.

Диссертациянинг “**Фертил ёшдаги ҳомиладор аёлларда абортдан олдин ва кейин ажратиб олинган лактобактерияларнинг биологик хусусиятлари**” номли тўртинчи бобида жинсий йўл лактобактерияларининг микдорий ва сифат кўрсаткичлари ҳолатлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Микрофлоранинг алоҳида вакиллари орасида иккала текширилган гуруҳда лактобактерия ва бифидобактериялар устунлик қилди. Ўрганилган 2-гуруҳда шартли патоген микрофлора (ШПМ ва патоген) вакиллари пайдо бўлиши сезиларли даражада ошди.

### 3-жадвал

#### Назорат гуруҳларида оғиз бўшлиғи лактобатерияларининг биологик хусусиятлари (M±m)

№	Биологик хусусиятлар		<i>L.acidophilus</i>	<i>L.casei</i>	<i>L.salivarius</i>	<i>L.fermentum</i>	<i>L.rhannosus</i>
1.	ЛФ -Лизоцим фаоллик, (мм)	С	8,3 ±0,23	6,0 ±0,05	6,3 ±0,12	8,0 ±0,08	7,3 ±0,3
		К	5,0* ±0,09	4,6* ±0,16	6,3* ±0,23	6,0* ±0,05	6,0* ±0,04
2.	АИ – Адгезия индекси (бакт/эр)	С	4,08 ±0,21	2,19 ±0,44	3,87 ±0,21	2,98 ±0,16	2,91 ±0,2
		К	2,59* ±0,12	4,5* ±0,03	3,55*** ±0,41	3,73**** ±0,16	2,97** ±0,15

### 3-жадвал давоми

3.	АЛФ - антилизосим фаоллик, (мкг/мл)		С	7,43 ±0,5	7,53 ±0,06	8,06 ±0,04	6,93 ±0,04	7,76 ±0,2
			К	4,3* ±0,63	5,13* ±0,12	4,43* ±0,3	4,36* ±0,26	4,13* ±0,28
4.	H <sub>2</sub> O <sub>2</sub> ишлаб чиқариш (моль/л)		С	3,53 ±0,03	1,6 ±0,04	3,47 ±0,03	3,07 ±0,02	2,28 ±0,10
			К	1,91** ±0,04	3,47*** * ±0,05	3,16** ±0,03	3,41** ±0,04	2,04** ±0,08
5.	Антагонизм фоизи	<i>E.coli</i>	С	50%	100%	0%	50%	75%
			К	0%	50%	0%	0%	25%
		<i>S.aureus</i>	С	75%	100%	0%	25%	25%
			К	0%	0%	0%	0%	0%
		<i>S.haemolyt</i>	С	100%	100%	100%	75%	100%
			К	25%	50%	25%	25%	25%
		<i>C.albicans</i>	С	25%	50%	25%	50%	0%
			К	50%	25%	0%	25%	0%

**Изоҳ:** 1. Текширилган гуруҳ белгилари: С.- Соғлом оғиз бўшлиғига эга аёллар, К.-Кариес билан касал аёллар гуруҳи. **p**-(соғлом аёлларга нисбатан фарқларнинг ишончилиги): «\*»- $p < 0,001$ ; «\*\*»- $p > 0,05$ ; «\*\*\*»- $p < 0,05$ ; «\*\*\*\*»- $p < 0,01$

Эпидермал стафилококклар, ачитқи табиатли замбуруғлар, эширихий ва протеяларнинг учраш частотаси ортди. Клебсиелла патоген микрофлоранинг вакили сифатида фақат ўрганилган 2-гуруҳда аниқланди. Бизнинг ҳолатимизда текширилган иккала гуруҳда бачадон бўйни канали пептострептококклар, эпидермал стафилококклар ва ачитқи табиатли замбуруғлар билан яшаши аниқланди. Ушбу вакилларнинг учраш частотаси ҳам мос равишда пептострептококклар – 1-гуруҳда 3%, 2-гуруҳда 11%, эпидермал стафилококклар- 8% ва 14%, ачитқи табиатли замбуруғлар-6% ва 15% кўрсаткичларга эга бўлди. Ушбу ҳолатни аборттив жараёнлардаги ташқи аралашувлар натижасида стресснинг ривожланиши ҳамда умумий ҳолда генитал тракт микробиоценози ва организмнинг маҳаллий ҳимоя омилларининг ўзгариши билан тушунтириш мумкин.


Текширилаётган гуруҳларда лактобактерияларнинг учраши яъни тур таркиби етарлича фарқ қилди. Шунга асосланиб, уларнинг фоизлар нисбати ҳам ўзгарди (4-жадвал). Фертил ёшдаги аёлларнинг қин лактофлораси таркибида 5 тур доминантлик қилиши аниқланди: *L.jensenii*; *L.crispatus*; *L.gasseri*; *L.vaginalis*; *L.rhamnosus*.

**Фертил ёшдаги хомиладор ва абортдан кейин аёлларнинг қин лактобактерияларининг тур таркиби**

Лактобактерия турлари	Ушбу тур аниқланган текширилувчилар сони		Уларнинг фоиз нисбати	
	Ҳомиладорлар	Абортдан сўнг	Ҳомиладорлар	Абортдан сўнг
<i>L.jensenii</i>	32 (66,7%)	20 (47,6%)	27,3%	23,2%
<i>L.crispatus</i>	28 (58,3%)	18 (42,8%)	24,0%	21,0%
<i>L.gasseri</i>	20 (41,7%)	16 (38,0%)	17,1%	18,6%
<i>L.vaginalis</i>	21 (43,8%)	19 (45,2%)	17,9%	22,1%
<i>L.rhamnosus</i>	16 (33,3%)	13 (31,0%)	13,7%	15,1%
Жами изолятлар:	117	86		

Қин лактобактерияларини идентификациялашда хомиладор аёлларда *L.jensenii*, *L.crispatus* ва *L.gasser*, абортдан сўнг эса *L.gasseri* ўрнига *L.vaginalis* устунлик қилиши маълум бўлди. Юқорида қайд этилган натижалардан абортдан сўнг аёллар қинида *L.jensenii*, *L.gasseri*, *L.rhamnosus* ларнинг мос равишда 23,4%, 16,9% ва 13,45% гача камайиши кўриниб турибди.


Лактобактерияларнинг водород пероксид ишлаб чиқариш қобилиятини ўрганиш шуни кўрсатдики, икки гуруҳдаги ҳар бир турнинг фаоллиги унчалик фарқ қилмади ва мос равишда ўртача  $3,56 \pm 0,16$  ммоль/л дан  $2,50 \pm 0,09$  ммоль/л гача хомиладорлар гуруҳида,  $3,77 \pm 0,18$  ммоль/л дан  $1,9 \pm 0,08$  ммоль/л гача кўрсаткичларни абортдан кейинги аёллар гуруҳида намоён қилди. Шу билан бирга, *L.vaginalis* иккала назорат гуруҳида ҳам паст кўрсаткичларга эга бўлди (6-расм., 5-жадвал).



**6-расм. Лактобактерияларнинг водород пероксида ишлаб чиқариш қобилияти (ммоль/л)**


Лактобактерияларнинг лизоцим фаоллигини тадқиқот қилиш натижалари хомиладорлар гуруҳидан ажратилган изолятларнинг 91% ва абортдан сўнг гуруҳдан ажратилганларнинг 53% лизоцим сифат фермент

ишлаб чиқариш қобилятига ва асосан ўртача фаолликка эга эканлигини кўрсатди. Абортдан кейин ўрганилган лактобактерияларнинг кўрсаткичлари бироз паст бўлганига қарамай, *L.jensenii* иккала гуруҳда ҳам юқори натижага эга бўлди (7-расм.,5-жадвал).



**7-расм. Лактобактерияларнинг лизоцим фаоллиги (мм)**


Оғиз бўшлиғи лактофлораси вакиллариининг антилизозим фаоллигини (АЛФ) ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳомиладор аёллардан ажратиб олинган лактобактерияларнинг 88% ва абортдан сўнг ажратилганларнинг 70% бу хусусиятни намоён этди. Шу билан бирга, ҳомиладор аёллардан ажратиб олинган культураларнинг АЛФ кўрсаткичи, абортдан кейинги гуруҳниқига қараганда анча юқори бўлди ва мос равишда  $7,37 \pm 0,29$  мкг/мл ва  $4,52 \pm 0,17$  мкг/мл ни ташкил этди. Ҳомиладорлар гуруҳида максимал АЛФ кўрсаткичига *L.jensenii*  $7,96 \pm 0,31$  мкг/мл, абортдан сўнг эса микдорий ўсиш кузатилган *L.vaginalis*  $7,96 \pm 0,31$  мкг/мл натижа билан доминант кўрсаткичга эга бўлди (8-расм.,5-жадвал).



**8-расм. Лактобактерияларнинг антилизозим фаоллиги (АЛФ, (мкг/мл)**

Адгезивлик қобилятини ўрганиш натижалари, ажратиб олинган барча Лактобактерия изолятлари ушбу қобилятни намоён этганлигини кўрсатди.

Ҳомиладор аёлларда юқори адгезивлик қобилятига *L.jensenii*  $4,6 \pm 0,2$  бакт/эр эга бўлди. Абортдан сўнг назорат гуруҳида ҳеч қайси тур юқори адгезивлик қобилятини кўрсатмади. *L.jensenii* тури  $3,44 \pm 0,14$  бакт/эр натижа билан ўртача адгезивликни, қолган барча турлар эса паст адгезивликни намоён қилди (9-расм., 5-жадвал).



**Изох:** Бактерия МАИ (микроорганизмларнинг адгезия индекси) -1,75 да ноадгезив; 1,76-2,5 да пастадгезив; 2,51-4,0 да ўртача адгезив; 4,0 дан юқори бўлса юқори адгезив ҳисобланади

**Рис.9. Лактобактерияларнинг адгезив фаоллиги (бакт/эр)**

Лактобактерия изолятларининг *Escherichia coli*, *Staphylococcus aureus*, *Staphylococcus haemolyticus*, *Candida albicans* каби патоген ва шартли-патоген микрофлора вакиллари штаммларига нисбатан антагонистик хусусиятларини аниқлаш, биринчи назорат гуруҳида *L.gasseri* кучли антагонист, *L.rhamnosus* эса бу қобилятни фақатгина *E.coli* га нисбатан 50% кўрсатган ҳолда кучсиз антагонист ҳисобланди. Абортдан сўнг барча турларда ўртача антагонистик фаоллик фақатгина *E.coli* га нисбатан сақланиб қолди. Шунга қарамай, ушбу назорат гуруҳида *L.jensenii* тўрт вакилдан учтасига нисбатан антагонизм қобилятини кўрсатди (5-жадвал).

Лактобактерияларнинг турли синфдаги антибактериал препаратларга сезгирлигини аниқлаш натижалари шуни кўрсатдики, барча изолятлар ҳомиладорлик ва абортдан сўнгги генитал тракт ҳолати ва уларнинг биологик хусусиятларининг пасайишидан қатъий назар, Сиспрес-500, Офлоксацин, Занофлох-03, Леворекс-500, каби фторхинолон синфига мансуб антибиотикларга юқори сезувчанлик намоён қилди.

Олиб борилган илмий тадқиқот иши натижасида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси учун Тошкент шаҳри мисолида фертил ёшдаги аёлларнинг оғиз бўшлиғи ва генитал тракти индиген лактобактерияларининг турлари ва биологик хусусиятлари аниқланди. Ўрганилаётган биотоплар ҳолатининг аёллар организмнинг ҳолатига боғлиқлиги аниқланди: кариес, ҳомиладорлик, ҳомиладорликни сунъий тўхтатилишидан кейинги ҳолатдир.

Амалга оширилган ишлар давомида олинган маълумотлар замонавий талабларга жавоб берадиган, янги авлод маҳаллий пробиотикларини ишлаб чиқариш учун лактобактерияларнинг аниқланган турларидан фойдаланиш бўйича тавсияларни асослаш имконини беради.

Алоҳида қизиқиш уйғотувчи ва кейинги тадқиқот ишларини амалга оширишга ундовчи турлар сифатида оғиз бўшлиғидаги *L.casei*, ва генитал трактнинг *L.vaginalis* турлари ҳисобланди. *L.casei* нинг кариес жараёнида миқдори ошиши унинг адгезия индекси (АИ) кўрсаткичининг юқори бўлганлиги билан тавсифланди. Аммо, шу билан бирга айнан ушбу тур ҳар иккала назорат гуруҳларида кучли антагонист сифатида намоён бўлди.

Аёлларда аборт (ҳомиладорликни сунъий тўхтатилиши)дан сўнг умумий ҳисобда *L.vaginalis* турининг сезиларли даражада ошиши унинг юқори антилизоцим фаолликни намоён қилгани билан исботланди. Аммо, вазифаси номаълумлигича қолган тур сифатида уни янада чуқурроқ ўрганиш, генитал трактдаги асосий функциясини аниқлашга қизиқиш уйғотади.

### 5-жадвал

#### Назорат гуруҳларида генитал тракт лактобактерияларининг биологик хусусиятлари (M±m)

№	Биологик хусусиятлар		<i>L.jensenii</i>	<i>L.crispatus</i>	<i>L.gasseri</i>	<i>L.vaginalis</i>	<i>L.rhannosus</i>
1.	ЛФ – Лизоцим фаоллик, (мм)	X.	8,33 ±0,13	7,66 ±0,02	6,66 ±0,19	6,3 ±0,35	7,66 ±0,24
		A.	6,33* ±0,09	4,33* ±0,19	6,0*** ±0,26	4,67* ±0,24	4,67* ±0,2
2.	АИ - Адгезия индекси (бакт/эр)	X.	4,6 ±0,2	4,18 ±0,17	4,36 ±0,22	4,12 ±0,16	4,09 ±0,17
		A.	3,44* ±0,14	2,86* ±0,13	2,76* ±0,1	2,05* ±0,09	2,03* ±0,09
3.	АЛФ – антилизоцим фаоллик, (мкг/мл)	X.	7,96 ±0,31	6,36 ±0,25	7,2 ±0,28	7,73 ±0,29	7,06 ±0,31
		A.	4,22* ±0,19	4,66* ±0,18	4,1* ±0,11	5,07* ±0,23	4,55* ±0,12
4.	Н <sub>2</sub> О <sub>2</sub> ишлаб чиқариш (моль/л)	X.	3,17 ±0,12	3,56 ±0,16	3,49 ±0,15	2,5 ±0,09	2,75 ±0,1
		A.	3,77** ±0,18	2,99** ±0,11	3,64** ±0,17	1,9* ±0,08	2,08* ±0,09

## 5-жадвал давоми

5.	Антагонизм фоизи	E.coli	Х.	25%	75%	100%	75%	50%
			А.	0%	50%	0%	25%	25%
		S.aureus	Х.	100%	75%	75%	25%	0%
			А.	25%	0%	25%	0%	0%
		S.haemolyt	Х.	75%	75%	100%	50%	25%
			А.	25%	0%	0%	0%	50%
		C.albicans	Х.	50%	75%	100%	0%	25%
			А.	25%	50%	50%	25%	0%

**Изох:** 1. Текширилган гуруҳ белгилари: Х.-Ҳомиладор аёллар, А.-Абортдан кейин аёллар гуруҳи. **p**-(соғлом аёлларга нисбатан фарқларнинг ишончлилиги): «\*»- $p < 0,001$ ; «\*\*»- $p > 0,05$ ; «\*\*\*»- $p < 0,05$ ; «\*\*\*\*»- $p < 0,01$

## ҲУЛОСАЛАР

“Норма ва дисбиоз ҳолатларида одам танаси биотоплари лактобактерияларининг биологик хусусиятлари” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар асосида қуйидаги ҳулосалар қабул қилинди:

1. Кариес билан касал аёлларда биз томондан ўрнатилган оғиз бўшлиғи дисбиози, шартли-патоген ва патоген микрофлора вакиллариининг учраш частотасининг, шунингдек, лактобактериялар миқдорини ошиши кариеснинг микробиологик этиологиясини ҳамда ушбу касалликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида лактобактерияларнинг бевосита иштирокини намоён қилди. Стресс омил сифатида аборт аёлларнинг генитал тракти шиллиқ қаватига салбий таъсир кўрсатади, натижада лактобактериялар сони кескин камайиши қайд этилди.
2. Фертил ёшдаги аёлларнинг оғиз бўшлиғи ва генитал тракти лактофлорасининг тур таркиби ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатидан фарқ қилиши аниқланди. *L.acidophilus*, *L.casei*, *L.salivarius*, *L.fermentum*, *L.rhamnosus* турли нисбатларда оғиз бўшлиғининг нормал ва кариес жараёнида колонизация қилувчи турларга айланди. Ҳомиладорлар ва абортнинг 5-қунидаги аёлларнинг генитал трактида *L.jensenii*, *L.crispatus* ва *L.gasseri*, *L.vaginalis*, *L.rhamnosus* турларини намоён этди.
3. Кариес даврида лактобактериялар миқдорининг кўпайиши ва абортдан сўнг лактобактериялар миқдорининг камайишига қарамасдан уларнинг биологик хусусиятларини пасайиши кузатилди. *L.acidophilus* соғлом оғиз бўшлиғида энг барқарор тур бўлиб чиқди, аммо кариесда адгезивлик ва антагонистик фаолликнинг юқори натижаларини *L.casei* намоён қилган ҳолда устунлик қилди.

4. Кариесда лактобактериялар биологик хусусиятларини пасайиши оғиз бўшлиғининг иммун омилларининг пасайиши билан боғлиқлиги абортдан сўнг аёлларда мавжудлиги ва ушбу микробиом учун аҳамияти охиригача ўрганилмаган *L.vaginalis* миқдорининг ошиши унинг биологик хусусиятларини ҳамда норма ва аёллар ҳаётининг турли даврларида ўзгаришини тадқиқотлари қизиқиш уйғотиши билдан изоҳланади.
5. Норма ва дисбиозларда барча лактобактерияларнинг фторхинолонлар синфига мансуб дориларга нисбатан антибиотикларга сезгирлиги бўйича олинган натижалар, антибактериал дориларга сезгирлик оғиз бўшлиғи ва генитал трактнинг ҳолатига боғлиқ эмас, аксинча генетик даражада белгиланган хусусиятдир деган ҳулосага олиб келди. Кўриниб турибдики, бу жараёнларда антибиотикларнинг микроорганизмларга таъсир қилиш механизми ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ  
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

---

**ХАЛДАРБЕКОВА ГУЛЖАХОН ЗАФАР КИЗИ**

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ЛАКТОБАКТЕРИЙ БИОТОПОВ  
ТЕЛА ЧЕЛОВЕКА В НОРМЕ И ПРИ ДИСБИОЗАХ**

**03.00.04 – Микробиология и вирусология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.1.PhD/B267

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([info-microbio@academy.uz](mailto:info-microbio@academy.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Мухамедов Иламан Мухамедович  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Маматкулов Иброхим Хамидович  
доктор медицинских наук, профессор  
Нурузова Зухра Абдукадировна  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** Национальный Университет Узбекистана


Защита диссертации состоится «5» июля 2022 года в 10 часов на заседании Научного Совета DSc. 02/30.12.2019. В.38.01 при Институте микробиологии Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Кадырий 76, конференц-зал Института микробиологии. Тел.:(+99871)-241-92-28, Тел.:(+99871)-241-71-98, факс: (+99871)-241-92-71; e-mail: [info-microbio@academy.uz](mailto:info-microbio@academy.uz)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрирована под №\_\_). Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Кадырий 76, Административное здание Института микробиологии, \_\_-й этаж, Института микробиологии. Тел.:(+99871) 241-92-28.


Автореферат диссертации разослан «21» июля 2022 года.

(реестр протокола рассылки №5 от «21» июля 2022 года



  
**Арипов Тахир Фатихович**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор, академик

  
**Жураева Рохила Назаровна**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.б.н.

  
**Ахмедова Захро Рахматовна**  
Зам.председателя Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире исследования микрофлоры основных биотопов тела человека, их количественных и качественных показателей, а также их роли в возникновении дисбиотических процессов, обусловленных различными состояниями является одним из приоритетных направлений медицины. Особенно большое внимание в последние годы мировое сообщество уделяет женщинам фертильного возраста. Стоит отметить, что принимая во внимание об обеспечении будущей каждой нации женщинами, при поддержании женского здоровья важным считается изучение микрофлору половых путей и полости рта, потому как с самых первых дней новорожденного начальная микрофлора в полости рта плода обеспечивается в момент прохождения по детородным путям. Согласно информации, цитируемой авторами "...сегодня кариес является результатом дисбиотического процесса в полости рта..."<sup>1</sup>. Поэтому, несмотря на достижения в диагностике дисбиотических процессов, происходящих в биотопах тела человека, изучение качественных и количественных изменений лактобактерий, как представителя резидентной микрофлоры, в данном случае становится одной из актуальных проблем.

В различных медицинских научных центрах мира ведутся работы по определению микробного пейзажа, анализу количественных и качественных критериев лактобактерий основных биотопов тела человека. В частности, определение видового состава лактофлоры полости рта и генитального тракта, описание морфологических, физиолого-биохимических свойств, от тонких молекулярных механизмов передачи генетической информации, применением их в биотехнологических целях, их участие в патологических состояниях протекающих в человеческом организме, патогенность и пробиотические свойства, а также применение в качестве средств медицинской профилактики и т.д. Соответственно, выделение и определение биологической активности местных штаммов лактобактерий в норме и при дисбиозах у женщин фертильного возраста имеет важное научное и практическое значение.

В нашей Республике уделяется особое внимание разработке и внедрению в практику комплексных мер по охране здоровья матерей и детей, оказанию медицинской помощи женщинам фертильного возраста и совершенствованию системы здравоохранения, а также достигнуты определенные результаты в области профилактики и диагностики заболеваний, широкого внедрения современных технологий, оказания высококвалифицированной и качественной медицинской помощи. Задачи стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан

---

<sup>1</sup> Caufield P.W., Schon C.N., Saraithong P., Li Y., Argimon S. Oral lactobacilli and dental caries: A model for niche adaptation in humans. JDR Clinical Research Supplement. -2015.-P.110-118.

закljučаются в следующем<sup>2</sup> «...повышение качества оказания медико-социальной помощи больным, формирование здорового образа жизни среди населения, совершенствование системы здравоохранения с укреплением материально-технической базы учреждений первичной медицинской помощи». Важное значение в реализации данных задач имеет классификация основных видов лактобактерий на примере женщин города Ташкента, а также выявление их участия в патологических процессах протекающих в этих биотопах, разработка современных высокотехнологических методов раннего выявления опасных факторов риска и профилактики осложнений. Поэтому обоснование выявленных локальных видов позволяет разработать рекомендации по производству отечественных пробиотиков отвечающих современным требованиям.

